

83.3

**Сарвар Собит**

**ЛАҲЗАЛАР  
ВА МУЛОҲАЗАЛАР**



Ўтмиш – оқиб кетган сув, уни қайтариб бўлмайди.

Келажак – бу орзу, аммо у ҳали амалга ошадими йўқминомаълум.

Айни лаҳзамиз эса, бизга берилган бахт, омад ва омонатдир.

~~4086~~

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
3668NDG'TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Яраган одамни оламлардаги барча махлуқотларидан афзал қилиб яратди. Бу афзалликлари орасида унинг забони, тафаккури ва ижодкорлигини илоҳий қалам билан таъкидлаб ўтди. Башарий афзалликнинг энг юксак чўккиси сўздир.

Сўзнинг кудрати ҳақида бизгача кўп ва хўб сўзлар битилган ва биз улардан ўтказиб бир нарса айтишга ожиз эканимизни эътироф қилган ҳолда, бу масалада тўхталмасмиз. Балки инсонга берилган яна бир неъмат тафаккурнинг илҳом булоғидан сув ичиб, унган ҳосилига эътибор қаратмоқчимиз.

Ушбу мўъжазгина рисола ни том маънодаги ижод маҳсули деб аташ ноўрин. Бу фақат айрим лаҳзалардаги баъзи эшитилган, кузатилган мулоҳазаларнинг баъдий баёнидан иборатдир.

*Падари бузрукворим Собит Абдуллаев  
ва волидам Зулфия Абдуллаеваларнинг  
порлоқ хотирасига бағишлайман*

## **СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ**

Шубхасиз, Меҳрибон Аллоҳ таоло одамзотни оламлардаги барча маҳлуқотлардан афзал қилиб яратди. Бу афзалликлари орасида унинг забони, тафаккури ва ижодкорлигини илоҳий қадам билан таъкидлаб ўтди. Башарий афзалликнинг энг юксак чўққиси – сўздир.

Сўзнинг қудрати хақида кўп ва хўб айтилган. Лекин пайғамбаримизнинг (алайҳи с-салом) “Сўзда сеҳр, шеърда хикмат бор” деганларини, сўз борасида сўзларнинг ўзаги дейиш мумкин.

Ҳолбуки, сўзнинг таъсири тафаккур билан боғлиқ экан, ушбу рисолада инсониятга ато этилган ана шу тафаккур неъматининг илҳом булоғидан сув ичиб унган ҳосилларига эътибор қаратилди.

Ушбу мўъжазгина рисолани том маънодаги ижод маҳсули деб аташ ноўрин. Бу фақат айрим лаҳзалардаги баъзи эшитилган, кузатилган мулоҳазаларнинг бадий баёнидан иборатдир.

*Муаллиф*

## ЛАҲЗА ВА МУЛОҲАЗА

Баъзан бир лаҳзада рӯй берган воқеа йиллар давомида ечилмай келган муаммони ҳал этади. Баъзан биргина мулоҳаза одам дунёқарашини ўзгартириб, уни комиллик сари етаклайди, ёки аксинча...

Ҳал этиб бўлмас муаммолар бўлмайди, балки муаммони ҳал қила олмайдиганлар бўлади.

Кўпинча одамлар муаммоларнинг ҳал бўлмаслигидан изтироб чекадилар. Бора-бора ўзларини ожиз, нотавон ва иложсиз сезадилар...

## ИЛОЖСИЗЛИК

Иложсизлик! – бу бор-йўғи шундайбирҳайкирикки, ортига кичкинагина одамчалар яшириниб олгандай, гўё. Ана ўша одамчалар тўхтовсиз равишда “иложи йўқ,иложи йўқ,иложи йўқ” деб,бизни тўхтатишади, этагимиздан тортишади. Улардан Мосуво бўлиш унча қийин эмас. Этакни бир силташ билан уларнинг уни ўчади. Аммо то этакни силкигунча, киши улар таъсирида қолади.

Ўзини иложсиз ҳисобловчилар дунёқарашларини ўзгартиришдан кўра, ўзлари одатланган ҳаёт тарзида давом этишни афзал биладилар.

Иложсиз қолганлар ўзгаларнинг ўзгаришларини жуда-жуда истайдилар. Лекин аслида ўзларини ўзгартиришлари лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ахир бошқаларни ўзгартиришдан кўра, ўзни ўзгартириш осонроқ-ку...

Иложсизлик – бу сабаб эмас. Бу бор-йўғи оддий баҳона. Иложсизлик – бу ҳукм эмас. Бу даъват! Иложсизлик – ўзни синамоқ учун берилган имконият.

Иложсизлик абадий эмас. Аксинча, ҳар лаҳзада бир имкон, ҳар мулоҳазада бир неча муаммонинг ечими мавжуд. Шу сабабдан ҳам, барча иложсиз нарсаларнинг иложи бор. Бу аниқ!

Соил<sup>1</sup>: Иложини топиш учун нима қилмоқ лозим?

Қоил<sup>2</sup>: Аввало, одам ўзининг ким эканини англамоғи лозим! Сўнгра, истаётган нарсасининг заруратини аниқлаши керак. Унинг зарур эканига иймони комил бўлгач эса, бу ишнинг иложи бор эканига ўзида тўлиқ, шубҳасиз ишонч ҳосил қилмоғи шарт. Кейин эса, фақат рост йўлни танлаш. Холислардан маслаҳат сўраши мумкин. Шуни ёдда тутиш зарурки, муаммоларни ҳал қилишга киришишнинг ўзи – иложсизликни енгишнинг имконият эшикларини очади.

Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам аввало ўз-ўзини англаш ҳамиша муҳим...

## ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ...

<sup>1</sup>Соил (араб.) – “Суровчи”. (С.С.)

<sup>2</sup>Қоил (араб.) – “Сўзловчи”. (С.С.)

Инсон фалсафасининг бош мезони, – деган эди, Сукрот ҳаким – бу ўз-ўзини англашдир.

“Мен ҳакимда нима деб ўйлашингиз, аҳамиятсиз... Мен сиз ҳақингизда умуман ўйламайман...” (Коко Шанель).

Биз ҳакимизда одамларнинг нима деб ўйлашлари эмас, ўзимиз нима деб ўйлашимиз муҳимроқдир.

“Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам”. Ушбу мисра билан Ҳазрат Навоий кибрни эмас, инсон ўз-ўзини англашини тарғиб қилмоқдалар. Бинобарин, ҳадиси шарифларда “Ким ўзини англаса, Парвардигорини англабди”, дейилади.

Демак, одамларнинг биз ҳакимиздаги фикрлари аслида ўзимизнинг ўзимиз ҳакимиздаги хулосаларимиз билан шаклланади.

Ўз-ўзимизга “Мен кимман?” деб савол берсак, дафъатан, бир сўз билан жавоб беришимиз мушкул. Чунки ҳаёт доим янги лаҳза ва мулоҳазаларни олдимизга қўядики, бунинг оқибатида бизнинг хатти-ҳаракатимиз ва туйғуларимизни аввалдан айтиб бериш мумкин бўлмай қолади. Мана шу сабабдан ҳам ҳаёт сиру асрорга тўла...

## **СИРЛАР**

Арабларда шундай мақол бор: “Сиринг асирингдир, агар уни ошкор қилсанг, энди ўзинг унга асир бўласан”.

Йўловчикўп сирли нарсаларга гувоҳ бўлди. Уларни ўзича англади. Аммо улар ҳақида бошқаларга айта олмади. Чунки, унга ишонмасдилар, балки устидан мазаҳ қилиб кулардилар ҳам. У ўз сирларини ўзи билан олиб кетишга катъий аҳд қилди.

Аслида, сирлар очилмаган ҳолида гўзалроқдир. Атир гулнинг ғунчаси, очилганидан кўра, сирлироқ ва шу сабабли мафтункор ҳамдир.

Ҳолбуки, сирларнинг бари ошкор бўлажак Кун бор... у кунгача эса, танлаш имкони мавжуд...

## **ТАНЛАШ ИМКОНИАТИ**

*Танлаш имконияти: инсоннинг кулфати ҳам, саодати ҳам, қудрати ҳам шу!*

Худо оламда яхшилигу ёмонликни яратиб, инсонга танлаш имкониятини берди. Бу синов эди. Шундай бўлса ҳам, инсон яхшиликни танлашига шароит яратиш мақсадида табиатини ҳам яхшиликка мойил қилиб қўйди. Бироқ инсон ёмон нарсалар сиртидаги жозибадан фойдаланиб, ичидаги ёвузликкача етиб бормаيمان, деган хулоса билан баъзан ёмонликни ҳам танлайди.

Аммо Худо танлаш имкониятида бутун ихтиёрни инсонда қолдирмади. Балки ихтиёрнинг кичик бир қисминигина (буни ақида илмида жузъий ихтиёр дейилади) берди. Бу худди йўлни яхши билган отнинг жиловини бўш қўйиш, дегандек гап. От ҳар куни бир хил вақт ва йўналишда бориб

келавергач, эгасининг камчисию, тизгинисиз ҳам ўзи ўрганган манзилга бориб – келаверади. Бирок тизгин одамнинг қўлида бўлгани учун баъзан у янглишса ёки бошқа мақсадни кўзласа, тизгинни тортади, ҳатто камчи ҳам уради. Албатта бу барча ихтиёр Худонинг измида экани воқелигига киёсланадиган ҳол эмас. Бирок одам ёмонликни ихтиёр қилганида, Худо унинг бир неча карра, балки ҳисобсиз равишда “тизгинини тортади”, яъни ёмонликлардан сақлаб қолади. Саркаш от баъзан камчию кулоқ солмагани каби, одам ҳам ёвузликлар сари борар экан Худонинг марҳамати унга нисабатан камая (балки марҳаматнинг назаримиздаги камайиши ҳам теранроқ ўйланса, марҳаматнинг ортиши бўлиши мумкин) бошлайди. Демак, уни ёвузлик йўлида бардавом бўлиши учун вақтинча Худо имкон беради.

Иблис киёматгача муҳлат сўрагандаёқ, Худо унинг асл мақсадини билган эди. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, Худо уни яратмасидан олдин, осийлик қилишини билар эди. Яхшиликни истовчилар шу сабабдан савол берадилар: Унинг ёвуз бўлишини била туриб, яратишининг нима ҳикмати бор эди?! Агар у бўлмаганда одамлар васвасага учрамас ва ёмонликлар қилмас эди. Бунинг жавоби яна инсоннинг ўзида: Тест синовидан ўтаётган абитуриент учун ҳар бир саволга фақат тўғри биттагина жавоб варианти берилса, уни синов қилишдан, танлашдан мақсад, моҳият қаерда қолади?! Худо бандалари қалбини синовдан ўтказиш учун эзгулик билан бир вақтда ёвузликни ҳам яратди.

Худо бандаларини синаётгани учун ҳам уларга чексиз марҳаматини эълон қилди: Янглишдинг, хато қилдинг, гуноҳлар ботқоғига гарк бўлдинг, эй банда, энди Менинг қудратимни англаган бўлсанг, тавба қил – Мен сенинг гуноҳларингни ўчириб ўрнига яхшилик ёзгум, деган маънолар уқамиз муқаддас манбалардан. Тавба эса, яна қайта ўша (таъқиқланган) ишни қилмасликни истаб қайтишдир.

Худо чексиз меҳрибон – бир гуноҳга бир гуноҳ, бир савобга ўн савоб ёзилишига амр этиб, бандалари учун яна имкон доирасини кенгайтди. Худонинг барча ихтиёрни (буни ақида илмида куллий ихтиёр дейилади) инсонга бермагани ҳам унга кўрсатган марҳаматидир...

Худо меҳрибон – у ҳатто биз ёмон кўрган нарсалар ичида ҳам бизга яхшиликлар ато этди. Одам энг ёмон ҳолатида ҳам сабр қилар экан, у савобга эришади.

### **САБР...**

- Ўтинаман, эй Симчўп, торларимни бу қадар узоқ нолататма, дарду ҳасратларим ошкор бўлганидан эмас, ўз дардимнинг бу қадар мунгли эканидан мижжаларим ёшга тўлиб, ўкраб юборай демокдаман, - деди Гижжак. Симчўп унга маъюс боқиб, - Дарду ғамингни ичинга ютаверсанг, бир кун ёрилиб ўласан, ахир. Вақт ғанимат, қуйлаб қол. Зеро, атрофда сенинг ҳасратдошларинг ҳам бўлиши мумкин. Одамлар бу қуйларинг ва мунгинг

ноласидан ўз ҳаётларидаги дарду ҳасратга сабр қилиш ва бориға шукр этишни, бир-бирларига ҳамдард бўлишни ўрганадилар.

### **ШУКР ҲАҚИДА**

Шукр – қаноатдир. Қаноат – орзу-ҳавасларнинг қайта ёнмас даражада сўнишидир. Орзу-ҳаваслар – ўткинчидир!

Агар одамлар шукр қила олганларидами, ҳеч ким етишмовчиликдан нолиган бўлмас эди.

Умар ибн Абдулазиз<sup>3</sup> даврида закотни тўплаб, ҳақдорларга элтувчилар ою йиллар давомида қишлоғу кентларни айланиб, закот олувчиларни ахтарар, аммо жуда кам одам мазкур садақаларни қабул қилгани сабабли, узоқ овора бўлар эканлар. У замонларда ҳам одамларда етишмовчилик бўлган. Аммо қаноат барча етишмовчиликлар ўрнини тўлдирган.

Муаззам тарих буюк ибратдир.

\* \* \*

Бир одам хотинидан сўрабди: Хотин, бир халта олтин топиб олсанг нима қилардинг?

Хотини оладиган нарсаларини санай кетибди. Эри эса, ичида хом чўт қила бошлабди. Хотини анчагина давом этгандан кейин, эри: Бўлди, бўлди, тўхтат, халтадаги олтин қолмади – деган экан.

Орзулар туганмас, ҳаёт эса ўлчовлидир. Ўлчовларнинг айримлари қайд қилинган, айримлари эътибордан ташқарида бўлса ҳам, барибир мукайяддир<sup>4</sup>...

### **ҚАЙДЛАР**

Уч нарса ҳеч қачон ортга қайтмайди: Вақт, Сўз, Имконият.

Уч нарсани йўқотмаслик лозим: Хотиржамлик, Умид, Шаън.

Уч нарса ҳаётда кадрлирок: Муҳаббат, Эътиқод, Дўстлик.

Уч нарса ҳеч қачон абадий эмас: Орзулар, Омад, Бойлик.

Уч нарса кишининг ким эканини аниқлайди: Меҳнат, Ҳалоллик, Муваффақият.

Уч нарса инсонни ҳалок қилади: Ичкилик, Такаббурилик, Қарз.

Уч нарса ҳаёт таърифидида биринчи келади: Ҳаёт бу – умид, Ҳаёт бу – машаққат, Ҳаёт бу – дарс.

### **ҲАЁТ – БУ ДАРС**

Дарс кишини ўргатади ва кучлирок қилади!

<sup>3</sup>Умар ибн Абд ал-Азиз (682 — февраль 720)—717—720 йилларда ҳукм сурган умавийлар сулоласидаги саккизинчи (Марвон уруғи буйича бешинчи) халифа.

<sup>4</sup>Қайд қилинган (С.С.)



Ҳаётӣй таҷриба – ҳеч қандай пулга сотиб олиб бўлмайдиган энг бебаҳо бойликдир!

Мен аниқ биламан, қора чизикдан сўнг албатта, оқ чизик келади – асосийси, эгилиб, букилса-да синмаслик. Агар айни лаҳзалар ёмон бўлса, буни яшаб ўтиш ва керакли хулосаларни чиқариш лозим. Барча илоҳий битикларда ҳам бу ҳикмат мавжуд: “Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга энгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга энгиллик бордир”<sup>5</sup>.

Ҳеч қачон ҳеч нарсадан афсусланмаслик керак! Бу аҳмоқлик ва ортикча куч сарфлашдир. Фақат умидгина машаққатларни енгиб ўтиш йўлига бошлайди.

## **ҲАЁТ МАШАҚҚАТ, АММО УМИД БОР**

Ҳаёт – машаққат. Яхшиямки, у қисқа...

Ҳаёт машаққатларидан орттирилган таҷриба нималарга ўргатмасин, юрак барибир мўъжизага ишониб УМИД билан яшайди.

\* \* \*

Биз бутун олам билан уйғунликда эканимизни англамоғимиз лозим. Бу ҳаммаси жуда оддий. Мураккаб ҳолатларнинг ўзи йўқ, биз фақат ўзимизга ўзимиз ҳаётни қийинлаштирамиз. Ҳаёт театридаги актёрлардан бири эканмиз, бизга режиссёр тақдим этган ролдан кўра, ўзимиз танлаганимиз жозибалироқдир. Бунда эркинмиз, эркинмиз, аммо эркинликнинг чегараси борми? Чегараси бор эркинлик эркинликми?...

## **ЭРКИНЛИК ҲАДСИЗ БЎЛСА...**

Нима бўлганда ҳам ўз билганингча яша ва афсусланма! Аммо бу чегараларни босиб ўтавер, дегани эмас. Чегаралар ҳамиша муқаддас.

Девор, тўсик, парда каби чегаралар мавжуд. Чегаралар эркинликни чеклаш учун эмас, балки ўзгалар эркинлигига дахл қилмаслик учун ўрнатилган. Эркинлик чегаралар орасида бўлгани учун ҳам тотли ва ҳис қилса бўларлидир. Агар эркинликнинг чегаралари бўлмаса, у эркинлик эмас, телбалиқдир ва уни туйиб ҳам бўлмайди.

Одамлар ҳар хил ва ҳаммасининг яшаш ҳуқуқи бор. Одамлар ҳар хил, аммо уларни тур ва навларга ажратиб, турфа тоқчаларга териб чиқиб бўлмайди...

Айрим одамлар жуда қобилятли бўладилару бироқ ўзларини йўналтира олмайдилар. Уларни бирон иморатнинг устунни, безаги ёки асоси сифатида ишлатиладиган бетакрор воситаларга ўхшатиш мумкин. Яъни улардан ўз ўрнида фойдаланилса, фақат яхши натижа беради. Лекин айримлар улар имкониятидан бўмба сифатида ҳам фойдаланишлари мумкин.

<sup>5</sup>“Шарҳ” сураси 5-6 оятлар. Рисолада берилган Қуёни қарим оятлари таржимаси Абдулазиз Мансурники (С.С.).

Аммо улар ҳеч қачон ўзлари бош меъмор бўла олмайдилар. Бироқ энг ачинарлиси улар ҳар қандай меъмордан-да зукко ва қобилиятли бўладилар.

Шер қанчалар даҳшатли бўлмасин, у бари-бир хайвон ва одам уни ўз найрангига ўйнатади.

Инсон маълум бир чекланган макон ва замон оралиғида ҳаёт кечиради. Шундай экан, унинг эркинлиги ҳам чеклидир. Ҳаётнинг қай бир жабҳасини олмайлик, чегара мавжуд. Ҳатто, дафтар хошияси ҳам ўзига хос чегара... Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, мактаб чоғида дафтар хошиясини кесиб ўтмаган ўқувчи катта бўлганда ҳам қонунларга итоаткор, ҳатто парҳезкор бўлар экан.

\* \* \*

Эркинлик чегарасини кўрқув кўриқлайди, деган гап бор. Аммо нимадан кўрқиш?! Худоданми, қонунларданми, балки виждон азобидан кўрқиш керакдир?! Баъзан кўрқув ҳам жуда яхши неъматдир... Баъзан эркинлик шу қадар ортиқчалик қилиб қоладики, худди ўша эркинлик туфайли иштонсиз қолаётгандек ҳис қиласан ўзингни...

Бинобарин, ўша чегаралар ичида биздаҳлсиз бўлганимиз каби, унинг ортида ўзгалар ҳам эркин эканини унутмаслигимиз муҳим. Ҳар бир нарсанинг сабаби бор. Эркинлик чегаралари ҳам ана шу сабабларнинг оқибатидир.

### **САБАБЛАРНИНГ САБАБИ**

Устоз деди: “Ёдингда бўлсин, нимаки содир бўлмасин барчасининг сабаби бор. Сабабларнинг сабаби эса Аллоҳдир”.

Севишга энг лойиқ Зот – Аллоҳдир. Энг Гўзал Севгувчи ҳам Унинг Ўзи, энг Гўзал Севилувчи ҳам У.

Аллоҳни сева олган кишигина бошқаларни ҳам сева олади. Аллоҳни севганларнинггина қалбларида муҳаббат уруғи унади.

Чўпон йигит ҳар куни қўйларини яйловга олиб чиқади. Кун ботганда уларни ҳайдамаса ҳам, улар ортидан эргшиб кўрага қайта бошлайдилар. Улар чўпонни севадиларми, ё чўпон уларни?!

\*\*\*

Худо оламни яратиб, осмонлару ердан ва улардаги жами нарсалардан сўради: Сизлар менга ўз ихтиёрингиз билан бўйинсунасизми ёки сизларни Ўзимга мажбуран итоат эттирайми? Улар бирваракайига: Ўз ихтиёримиз билан Сенга мутемиз, дейишди. Зеро, борлиқ ўз Холиқини севади. Севгани учун ҳам унга сўзсиз итоат этади.

Ҳолбуки, севгининг кўзи кўр, аммо Раҳмонга бўлган муҳаббат кўзни янада равшанлаштиради, ҳатто қалб кўзини очади.

### **СЕВГИНИНГ ҚАДРИ**

Баъзан, бизни севмаганларни севамиз, бизни севганларнинг қадрига етмаймиз. Меҳрга меҳр бера олиш кийинми?!

Балки, замон Ўзгаргандир, шароит тезкор суръатни такозо этади. Ҳамма нарса тез, ҳатто, меҳр ҳам бир лаҳзалик. Уни ҳали туйиб улгурмасингдан тугайди... Бирок юрак ўша эскимеҳрга ташна, самимий, ҳақиқий, доимий, туганмас меҳрга...

Устоз деди: Севсанг, эркин кўй, агар сеники бўлса, у қайтиб келади. Қайтиб келмаса, демак, у ҳеч қачон сени севмаган! Севгида худбинлик кетмайди. Севилувчи фақат меники ва у фақат мен билан бўлиши керак, деб ҳисоблаш, нотўғри. Биз худони севамиз, лекин худо ҳамма учун. Қуёшни севамиз у ҳам барчага баробар нур сочади. Ватанни севамиз, Ватан шу заминда яшаётган барчаникидир. Онамизни севамиз, лекин у бир пайтнинг ўзида ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз учун ҳам она. Уларни фақат ўзимизники қилиб ололмаймиз...

Мени севганлар! Сизларга раҳмат! чунки, сизлар мени янада яхшироқ бўлишимга ёрдам берасиз. Мени ёмон кўрганлар! Сизларга ҳам раҳмат! Чунки, сиз мени кучлироқ қиласиз. Менга бефарқ бўлганлар! Сиз ҳаммабописиз. Сиз учун қадр деган тушунчанинг ўзи йўқ...

Устоз деди: Дилдан қилинган бир бўса ёки эркалаш ҳар қандай нохушликларга барҳам бериши, хатоларни тузатиши мумкин. Бир-бирингизнинг қўлларингиздан тутинг. Бирга бўлган чоғларингизни қадрланг. Бир кун келиб ёнингиздаги одамни йўқотиб қўйишингиз мумкин.

Севги учун вақт топа билинг, суҳбат учун вақт ажратинг, нимани айта оладиган бўлсангиз, шуни одамлар билан муҳокама қилиш учун вақт топа билинг. Чунки ҳаёт нафасларнинг сони билан эмас, руҳнинг ҳолати билан ўлчанади!

Севги – нозик туйғу, у – изтироб, у – синов. Худо Ўзи севган ва уни севган кишилар муҳаббатини синовдан ўтказишга Қодир ва Ҳақдир. У инсон боласи тоқати етмайдиган синовларни уларнинг бошига солмайди.

Туйғуларсиз яшаб бўлмайди. Ёки севиш ва ё нафратланиш лозим. Туйғу бўлмаган жойда қалб йўқ, қалб бўлмаган жойда Худо йўқ. Туйғусиз қалб мажруҳдир. Жисмоний мажруҳлик, бир синов. Аммо қалб мажруҳлиги – фожиадир!

Севиш ҳам омад, балки аксинча...

## **ОМАДСИЗЛИК – ОМАД**

Устоз деди: Бошга тушган ташвишдан қайғурманг, аксинча, қувонинг. Агар тоқатингиз етмаганида Худо буни сизнинг бошингизга солмасди. Бу машаққатни сизга юборибдими, демак, унга фақат сиз сабр қила оласиз.

“Агар биринчи уринишдаёқ сизда чикмаган бўлса, демак, хотиржам бўлинг сиз парашютчи бўла олмайсиз”, деган ҳазил янглиғ ҳақиқат бор. Аммо “Иродам йўқ”, деган одамда ҳам ирода бор. Чунки, иродам йўқ, деб айтиш учун ҳам ирода керак. Ҳамма қоқилади, ҳамма йиқилади. Бирок ҳамма ҳам ўрнидан туриб, уст бошини қоқиб, кўзлаган манзили томон олға

боравермайди. Йўлнинг машаққати коқилгунча, ундан у ёғи машаққатларга одам чидамли бўлиб боради.

**ЙЎЛ ЁМОНУ ЯХШИСИДАН ЧЕКМА ҒАМ,  
БИСМИЛЛОҲ, ДЕГИЛУ ҚЎЙГИЛ ҚАДАМ.**

*(Ҳазрат Навоий)*

Манзил канчалик олис бўлмасин, қадамлар канчалик заиф бўлмасин, босиб ўтилган ҳар бир одим оралиқ масофани қискартириб боради.

Ортга қайтиш. Бу фикр қачон пайдо бўлади? Дастлабки машаққатларга рўбарў бўлганда. Машаққатлар эса, орқада ҳам бор. Шуни тўғри англаш лозимки, ҳар бир лаҳза, ҳар бир фурсат ғанимат.

Демак, омадсизликнинг ўзи омаддир. Фақат фурсатдан тўғри фойдаланиш лозим...

### **ФУРСАТ ҒАНИМАТ**

Устоз деди: Фурсатни бой бердим, деб афсус чекма. Балки ҳали фурсатинг келмагандир. Вақтим кўп деб хотиржам бўлма, балки у шу оннинг ўзида тугагандир.

Мўтабар манбаларда таъкидаланади: Яна минг йил яшашингни билсанг ҳам, ҳозир ўладигандек ибодат қил. Ҳозир ўлишингни билсанг ҳам, яна минг йил яшайдигандек иморат қил.

Устоз деди: Эзгуликларни хотирламай туриб, эзгу хотиралар қолдириб бўлмайди...

### **ХОТИРА НЕЪМАТМИ, МУСИБАТ?!**

Хотира азобдир, хотира қувонч!

Хотира гирдобдир, хотира ишонч!

Нега одам ўзи учун ёкимсиз нарсаларни умуман унутиб юборолмайди? Нега яхши хотираларни унутмасликнинг иложи йўқ? Инсон ўз хотирасини бошқара оладими? Ўй-фикрларини-чи? Бошқара олади – фақат қисман, бошқаришнинг тўлиқ ихтиёри эса, яна Яратган қўлида. Шу сабабдан ҳам, ҳатто, хотиралар борасида ҳам дуолар қилинади: “Парвардигоро, Ундан (Қуръон) унутганларимизни, ёдимизга солгил...”.

Унутмоғу хотирламоқнинг улкан ҳикмати эса, фақат Яратганга аёндир.

Яхшилик қилсаг-у, уни унутсак, ёмонлик қилсаг-у, уни хотирамизга муҳрлаб олсак, таъмалар камайиб, такво ортади.

\* \* \*

Йўловчи бегона шаҳарнинг нотаниш кўчасидан ўтиб борар экан, эски кулбалардан бирининг олдида қадамларини секинлатишга мажбур бўлди. Унинг димоғига урилган таниш ва кўҳна ис оёқларини ерга михлади, гўё. У гўдаклик чоғида шу исни хидлаган. Болалик хотиралари кўз олдида гавдаланди, кадрдонларини хотирлади.

Ёт бир одамнинг ўз уйи олдида тек қотганига ҳайрон бўлиб, унинг ҳаракатларига разм солиб турган оксоқол набираси орқали уни ичкари

чорлатди. Йўловчи ва оксокол ўз хотиралари хақида бир-бирларига сўйладилар. Йўловчи хайрлашиб йўлида давом этди ва бирдан-бир нарса хаёлида чакмоқ янглиг порлади– улар бир-бирининг тилларини билмас эдилар, аммо дилларини аниқ англадилар.

Баъзан одамлар бир тилда сўзлашиб туриб, ҳатто бир мақсадни кўзлаган ҳолларида бир-бирларини англамайдилар...

Хотиралар тил орқали эмас, диллар орқали сақланиб қолади. Балки бахт шудир?

## **БАХТ ҲАҚИДА**

-Бахт аслида нима?

-Бахт сенга берилган нарсаларга шукр қила олишингдир. Хўроз ҳам тумшугида бир томчи сувни олиб ютар экан, осмонга қараб, шу неъматни бергувчига шукрона келтиради, гўё.

-У ҳолда, бахтсизлик нима?

-Бахтсизлик ўзида бор бўлган нарсалар ва уларни берган Зотни унутиш.

-Бундан ҳам кўра, бахтсизлик борми?

-Бор. Одам ўз бахтсизлигини ўзи англамаслиги.

-Бахтини йўқотганлар уни топа оладиларми?

-Албатта. Фақат одамларни бахтиёр қилиш йўли билан.

“Оёқ кийимим йўқ” деб нолиб юрган киши, йўлда бир оёғи йўқ одамни учратиб қолади. У одам қулар, бахтиёр эди. Бор нарсасининг кадрини билиб яшаш ҳақиқий бахтдир.

Устоз деди: Бахт бу дунёга инсон нима учун келганини англаб ва худди ана шу мақсад йўлида яшашдан иборатдир. Осонлик ва мушкул ҳолатлар, ҳаммада ҳам бор. Фақат ёлғончиларгина ҳақиқий бахтни туя олмайдилар. Чунки, ёлғон қанчалар тотли бўлмасин, ҳалокатга, рост қанчалар аччик бўлмасин нажотга олиб боради.

## **ЁЛҒОН ВА ЁЛҒОНЧИЛАР**

*«Шеърнинг энг ширини ёлғонидир»*

Аммо шеърдаги ёлғон гўё ёзув битилган қоғозни орқа тарафидан чирокқа тутиб ўқишга ўхшайди – мафтункор нақшлар орасида ҳикматлар яширин...

Миср эҳромлари умрининг узоклиги – пойдевор тошлари устидан улардан кичикроқ тош қўйиб борилганидадир. Агар аксинча бўлганида у узок турмасди. Ёлғоннинг асоси бўлмагани учун унинг ҳаётда яшashi ҳам қийин. Аммо шундай ёлғонлар борки, улар яшаб келаверади. Аммо уларни кўрган одам яхши танийди, “ҳа, бу ёлғон-ку”, дейди.

Эшик очар ёлғонга ёлғон,

Бир-бирин танийди кўргани ҳамон...

Устоз деди: Ёлғончи уч турли бўлади: 1) ўз ёлғонининг ёлғон эканини биладиганлар. Улар – вазият қурбонлари; 2) ўз ёлғонининг рост бўлиб

колишини хаёл қилувчилар. Улар – калтабин одамлар; 3) ўз ёлғонига ўзлари ҳам ишонувчилар. Улар – хаёлпарастлар.

Ёлғон ҳам уч турлидир: 1) инсонлар ёки жамиятга зарар келтирувчи. Бу – ҳақиқий ёлғон; 2) кескин вазиятларни юмшатувчи. Бу, қанчалар йирик ёки майда бўлмасин, дипломатия. 3) асоссиз ёлғон. Бу телбаликдан ўзга нарса эмас.

Рост сўзламаслик ҳали ёлғон эмас. Ёлғон гапирмаслик ҳам ҳали тўлик ростгўйлик эмас. Демак, ёлғон ва рост орасида мавҳумлик бор. Айни ана шу мавҳумлик адаштирувчидир.

Инсон адашувчидир. Яшар эканмиз адашамиз, яшар эканмиз, яна йўлимизни топиб оламиз, аммо нима учун яшаш керак?

### **ЯШАШ УЧУН...**

Биз яшаш учун яшамокдамиз, шунчаки мавжуд бўлиш учун эмас. Яшаш учун эса, меҳнат қилиш даркор!

Меҳнатни онгли равишида бажариш лозим. Эшак ҳам меҳнат қилади, лекин одам ўз меҳнатидан завқ олиши билан ундан юқори туради.

Меҳнатни бойлик орттиришининг асоси қилиб олувчилар, бора-бора меҳнатнинг моҳиятини унутадилар ва меҳнатнинг қулига айланадилар. Меҳнат – бекор қолмаслик. Меҳнат – ризқ-рўз топиш. Меҳнат – келажак. Меҳнат – завқу шавқ. Лекин меҳнат ҳеч қачон бировлар ҳисобидан яшаш дегани эмас!

Меҳнатнинг яна бир маъноси ташвиш, ғам, алам, ранждир. Киши ҳаёт экан машаққатлар қуршовида, меҳнат билан машғул бўлиб яшайверади. Ана шундай яшашгина ҳаётдан баҳраманд бўлишдир.

### **ҲАЁТДАН БАҲРА ОЛИБ ЯША**

Устоз деди: Ҳаётда донолик билан яшаш учун анча-мунча нарсани билмоқ лозим. Аммо энг аввало, икки қондани билиш муҳимдир: учраган нарсани егандан оч қолган, учраган одам билан бирга бўлгандан ёлғиз яшаган яхши.

Ҳаётдан худди ажойиб шароб каби қултум-қултум, дам олиб – дам олиб баҳраманд бўлмоқ лозим. Ҳаттоки энг яхши шароб ҳам, агар сувдек сипқорилса, ўз аҳамиятини йўқотади.

Ана шундагина ҳаёт гўзал, шундай яшаганлар ҳам гўзалдирлар...

### **ГЎЗАЛЛИК**

Биз ёшлик чоҳимизда кўркам ва хушсурат, том маънода гўзал эдик, лекин шундай бўлиб қола олмадик. Аммо гап фақат ташқи қиёфада эмас. Асл гўзаллик ботиний бўлиб, у абадийдир.

Ташки гўзаллигидангина мағрурланувчилар кўпинча шундай дейдилар: “Мен билан бирга бўлганлар, мени эслаб кўз ёш тўкадилар, менга етишолмаганлар аламдан ёнадилар”. Аммо ана шу хулосанинг ўзи, кўз ёш тўкувчи ҳам, аламдан ёнувчи ҳам унинг ўзи эканини зоҳиран баён этгандай бўлади.

Фикр гўзаллиги баҳс-мунозарада юзага келади...

## **БАҲС ҲАҚИДА БАҲС**

*«Иймондан қайтганларга ёки кофирларга дуч келсанг, сабрли бўл, Ҳақ-таолонинг йўлини сабр билан тушунтир. Шояд, бугун бўлмаса эртага Оллоҳ улар қалбидаги қулфни очса...»*

Нодонлар билан баҳснинг ўзи нодонлик. Сўзингизга қулоқ осмаган саркаш жоҳилга худди улар каби муомала қилиш ярамайди. Улар билан талашиб-тортишмай четга чиқсангиз, баъзан савол ҳам берадилар: “Нима учун сен баҳсдан қочасан? Чунки, сенменнинг ҳақиқатим олдида ожизсан”. Уларга жавоб бериш ҳайф, балки улар қалби – шайтон маъвоси. Қалбида шайтоний ўйлар бўлган кишилар билан баҳслашиш, куйиб битган уйдан бир парча қоғоз ахтариш билан тенгдир. Улар аввал қалбларини покламагунларича ҳақиқат борасида тўғри фикр юрита олмайдилар.

-Баҳсга киришмаслик – баҳсда енгишнинг биринчи шarti.

-Босиқ ва вазминлик – ҳар қандай таранг вазиятни юмшатувчи восита.

-Табассум – рақибни ҳамфикр этишдаги энг яхши қурол.

\* \* \*

Устоз деди: Баҳсда тортишма. Қарши томоннинг фикрларини бўлмай тингла. У қачондир тўхтайтиди. Унга вазминлик ва табассум билан: “Сўзларингизни айтиб бўлган бўлсангиз, менга ижозат бера оласизми?”, –деб сўра. Бу ҳолда камдан-кам одам яна жазавага тушиб баҳсни давом эттиради. Аммо ўша камдан-кам ҳам қачондир тўхтайтиди. У хоҳлаган сўзларини айтаверсин. Жим қулоқ сол. Кўп гапирган одам кўп хато қилади. Унинг сўзларини диққат билан тингла. Ниҳоят, у чарчайди ва навбат сенга келади. Яна ўша ним табассум ва вазминлик билан: “Эй хурматли зот, сўзларингизни бўлмай диққат билан қулоқ солдим. Илтимосим, менинг ҳам сўзларимни бўлмай икки дақиқа қулоқ солинг. Сизнинг барча айтган гапларингиз тўғри, мен сизнинг фикрларингизни хурмат қиламан. Аммо,...”Бундан бу ёғига эса, донолик билан вазиятни тўғри таҳлил этиб изоҳлаб бер. Шунда у ўз хатоларини ҳам англаб етади.

Ана шунда кўзланган натижага эришиш мумкин. Мана шундай қилолмаган ҳоллар эса, ҳамиша армон бўлиб қолажак...

## **АРМОН**

Дунёда бормикин бир одам дардсиз?

Яшай оладирми инсон ҳамдардсиз?

Кун ўтар, ой ўтар, ўтади йиллар,

Армонлар, шодлигимва ҳам дардсиз!

Армонсиз яшаб бўлмагани каби, армонлар гирдобиди азоб чекиб ҳам яшаб бўлмайди. “Агар йигирма йил, ўн йил, бир йил, бир кун орқага қайтиб қолганимда мана бундай қилган бўлар эдим”, дейиш армон.

Армон чекиб қалбни изтиробга солгандан, кун келиб ҳозирги ҳолат армон бўлиб қолмаслигининг ҳаракатини қилмок тўғрироқ.

\* \* \*

Шифокорлар беморнинг чап қўлини кесишга мажбур бўлдилар. Акс ҳолда, қора сон бошқа аъзоларни зарарлантириши мумкин эди. Бемор уззу-кун ўз қўлига мотам тутиб, атрофидагиларни ҳам ўзидан бездириб юборди. Унинг ниҳоят даражада ортиқ эзилиб йиғлаши натижасида кўзлари кўр бўлиб қолди. Қўли билан кўзи кўрган нарсани ололмагани етмаганидек, энди у нарсаларни ҳамқўра олмасди...

Энди унинг учун энг таъсирли восита сўздир, балки. Агар у кўзи ожиз ва қўли чўлоқ бўлгани ҳолда ҳали қулоғи очиклигига шуқр қила олса, сўзнинг кадрина англаб етади.

### **СЎЗ – БУЮК ҚУРОЛ**

Энг қудратли қурол сўздир! Сўзга сўзсиз бўйин эгадилар. Сўз-ла душман бошин эгадилар. Сўз билан дунёга эгадирлар. Сўз билан дунёга келадилар. Сўз билан дунёдан кетадилар.

Сўз ила топмишдир дунё ибтидо,  
Не ажаб сўз ила топса интиҳо.  
Ҳар ишнинг асоси сўз билан қоим,  
Сабаблар сабаби ал-Калом доим.  
Яхши сўз жонларнинг ороми, сози,  
Эзгу сўз, амалдан Худо ҳам рози.  
У берур дилларга таскин, итмиънон,  
Харобалар у-ла гуллар гулистон.  
Борликнинг уруғи сўз эрур жавҳар,  
У – қудрат, у – ҳикмат, оламга меҳвар.  
Сўз – ҳукм, сўз – қонун, сўз эрур борлик,  
Сўз – нужум, сўз – қон, ун, сўз эрур ёрлик.

\* \* \*

Фақат хирсий туйгуларга йўғрилган сўзлар қиш куёшига ўхшайди – порлаб турса-да, иситмайди. Тагин ҳам худо меҳрибон.

### **ХУДО МЕҲРИБОН...**

Худо меҳрибон!

Қишнинг ўртаси яқинлаб қолганига қарамай ҳамон боғдаги бир дарахт шоҳида биттагина барг қовжираб ҳилпираб турарди. Бир шамол турдию уни чирт этиб узиб, учуриб кетди. Барг совуқдан жунжикиб, отардан адашган оч



қўзининг оёғига урилиб қўнди. Қўзи уни еб, ўзида бир куч топди ва манзилига етиб бора олди.

Худо – Раззок (ризк берувчи)!

### **РИЗҚ ҲАҚИДА**

Подшоҳ Каломуллоҳ<sup>6</sup>даги бир иборани тафаккур этиб, ажабланди. “Ризкни танг қилгувчи ҳам, уни кенг қилгувчи ҳам Яратганнинг Ўзи”. У бир оз ўйланиб, “Шунча мулким бўла туриб, одамларнинг ризкини мўл қилишга қурбим етмасмикин, ё кучу қувватим билан улар ризкини танг қилиш қўлимдан келмасми?”. У шу хаёлларни қилиб, бир тадбир ўйлабди. Юртга катта микдорда солиқ солиб, одамларнинг охириг умидларини ҳам тортиб олибди. Ризки танг бўлган фуқаро, дардини ичига ютиб, бир амаллаб кунини кўрар, аммо очданўлмас эди.

Подшоҳ ўз ўйининг ярмидан қайтибди. Яна бир тадбир қилибди. Аёнларига мамлакатига энг ночор одамни аниқлашни буюрибди. Улар эски бир дастгоҳида бўз тўқиб, аранг кун кўрадиган бир одамнинг хабарини келтиришибди. Подшоҳнинг амри билан унга икки товукни яхшилаб пишириб, ичини олтину жавохирлар билан тўлдириб, жўнатибдилар. Орадан уч кун ўтгач, подшоҳ аёнларига ундан хабар олишни буюрибди. У ҳамон ўша эски чориғини судраб юрар эди. Бир ҳафта, бир ой ўтса ҳам, унинг ҳолатида ўзгариш сезилмабди. Охири подшоҳнинг тоқати тоқ бўлиб: -Одам шу қадар ўзидан ҳам аяйдиган бўладими-а?! Қани уни хузуримга келтиринглар-чи!

Бўзчи подшоҳнинг хузурига нимага чақиртирилганини билмай, ичкари кирганида, ер ўпиб салом берибди.

-Бундан бир неча ой муқаддам подшоҳликдан бир инъом олганмидинг?!

-Олгандим, тақсир.

-Баракалла! Уни нима қилдинг?

-Тақсир, биласизми, иштаҳани китиклайдиган зираворлар билан димланган товукларни кўриб, кўзим чиқиб кетаёзди. Келтирганлардан: “Балки адашгандирсизлар”, -деб қайта-қайта сўрасам ҳам, “бу сиз учун”, деб таъкидлашгани учун олиб қолишга мажбур бўлгандим. Улар кетгач, бир муддат ўйлаб қолдим. Иссиқина, кип-кизартириб пиширилган бундай тансик таомни ошқозоним умрида кўрган эмас. Обдон ўйладим. Подшоҳликдан ҳар куни ҳам совға келавермайди. Мободо, бундан ҳозир есам-у, ошқозоним унга ўрганиб қолса, бундай таомни сотиб олишга кейин қурбим етмайди. Нафсим ҳақалак отиб, бировларнинг ҳаққига қўл чўзишга мажбур бўлиб қолсам, охиратда қандай жавоб бераман. Яхшиси, уни карвонсаройдаги мижозларимга олиб бораман. Шояд улар менинг бу ҳадямдан қувониб, молларимдан кўпроқ сотиб олишса, дедим-да уларга олиб бориб бердим.

<sup>6</sup>Аллоҳнинг каломи – Қуръони карим. (С.С.).

Улар очик чехра билан мени кутиб олиб, эртага дўконимдаги молларнинг ҳаммасини олишларини ваъда қилдилар. Аммо эртаси улар келишмади. Мен бирор юмушлари чиқиб қолган бўлса, кетар чоғларида келсалар керак, деб ўйладим. Бироқ орадан яна икки кун ўтиб, хавотирланиб, минг хижолатда карвонсаройга борсам, улар нимагадир ўша мен говук олиб борган куним шоша-пиша молларини йиғиштириб, юртларига кетиб қолибдилар. Бор гап шу, олампаҳоҳ.

Подшоҳ шунда осмонга қараб, надомат билан тикилибди-да: “Эй, чевар Парвардигорим, бериш ҳам, олиш ҳам Ўзингнинг қўлингда”, – деб узок илтижолар қилиб. истиғфор келтирибди.

\* \* \*

Ривоят: Ҳазрати Али (қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу) бир манзилга кира туриб ҳачирлари жиловини шу ерда турган бир одамга тутқазиб: Қараб тургин, мен дарров чиқаман – дебдилар. Чиқсаларки, ҳачир жойида, у одам йўқ, ҳачир устидаги эгар ҳам йўқ эди. Ҳачирни етаклаб, уйга қайтадилар ва ходимларига бозорга бориб эгар сотиб олишни буюрадилар. Фаросатли ходим бозорни айланиб юриб, айна Ҳазрат Али (қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу) ҳачирининг эгарини бир одам сотиб ўтирганини кўради. У билан савдо қилиб, икки дирҳамга эгарни сотиб олади. Савдо пишгач, уни Ҳазратнинг ҳузурларига олиб боради. Ҳазрат Али (қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу) у одамни таниб, сўрайди: Эгарни неча пулга сотдинг?

-Икки дирҳамга.

-Аллоҳга қасамки, ҳачирни ушлаб турганингда мен ҳам сенга икки дирҳам бермоқчи эдим. Сен ҳалол ризқингни ҳаромдан топдинг. Ҳалол ризқни қамайтирмас, ҳаром кўпайтирмас.

Ҳалолликнинг бош мезони жўмардликдир. Жўмардлик ёмонлик қилганларга ҳам яхшилик қилишдир.

## ЁМОНЛИККА ЯХШИЛИК

Яхшилик қилганга яхшилик қилмоқ кўпнинг қўлидан келади. Аммо ёмонлик қилганга яхшилик қилиш ҳаммага ҳам хос эмас.

Одам бир умр ерни босиб, топтаб, чопиб, уни булғаб яшайди. Барибир охириер уни меҳр билан ўз бағрига олади.


\*\*\*

Будданинг шогирдларидан бири ундан сўради: Агар кимдир мени урса, мен қандай жавоб қайтаришим лозим?

-Агар бир дарахт остидан ўтиб бораётганингда, қуриган шох узилиб, бошинга тушса, нима қилар эдинг?

-Бу тасодиф ҳолос, индамай йўлимда давом этаверардим.

Шунда Будда деди: “Кимдир газаб ва нафрат билан сенга ёмонлик қилган чоғида ҳам, ўзингни ана шундай, тасодиф зарбасини стандек ҳис қил.



\*\*\*

Оқил киши ўтиб борар экан, бир одам уни бесабаб ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, сўкибди. Оқил унга яхшилик тилаб, дуо қилибди. Бунинг гувоҳи бўлган бошқа бир одам сўрабди: “Таксир, у сизни қабих сўзлар билан ҳақоратлади, сиз эса дуои хайрлар қилдингиз, бунинг ҳикмати нимада?”

-Ҳар ким ўзида борини беради-да...

Зеро, яхшилик ҳам ибодатдир.

### **ИБОДАТ...**

-Жаннатдан таъма ёки дўзахдан пана учун қилинадиган ибодат ҳолисми?!

-Унда нима учун ибодат қилмоқ лозим?

-Ҳолис Яратган учун.

-Ибодатларимиздан унга фойда ҳам, ибодат қилмаганимиздан, зарар ҳам етмаса, ахир нима учун ибодат қиламиз? Бу бекор иш эмасми?

-Бир одам сизга ҳеч ким қила олмайдиган яхшилик қилса, сиз ундан сўрайсиз: Нима қилсам сизнинг олижаноблигингизга жавоб қайтара оламан. Унинг ўзидан бошқа ҳеч ким сизга у миннатдор бўлар ишни кўрсата олмайди.

Аллоҳ бандаларига берган эҳсони эвазига бандаларининг ташаккури қай тарзда бўлишини Ўзи белгиллаган.

\* \* \*

Ошқора ибодатлар баъзи ҳолларда риёдек кўзга ташланади ёки уни амалга оширувчиларда шундай кўриниш намоён бўлгандек. Балки шу сабаб муқаддас битикда “намозини кўз-кўз қилувчиларга дўзах бўлсин” – деган битик мавжуд.

Бир кекса отахон даврадагиларни ортиқча уринтирмай, деб ташқари чиқиб келишга изн сўрайди ва ҳеч кимга айтмай ибодатини бажо келтириб қайтади. Буни биров билди биров йўқ. Даврада ўтирган ёшроқ маҳмадонорак йигитлардан бири эса, соатига қараб, “Ия, намоз вақти бўлиб қолибди-ку, бир ибодатимизни бажариб олайлик”, деб туради. У давра аҳли учун гўё ўзини тақводор кўрсатаётгани билиниб қолади. Ибодатларнинг махфийси маҳбулроқ ва риёдан холироқ айни дамда жамиятни бир кўринишда тутиб туради.

Ибодатлар кимга қаратилган бўлса, фақат Эгаси сўрашга ҳақли. Аслида, иймон-эътиқод асосида қилинган ҳар қандай эзгу амал ибодатдир. Жумладан, адолат ҳам ибодат...

### **АДОЛАТ**

*“Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал” (Ҳадис).*

Файласуфлар адолатни нисбий, дейдилар. Илоҳиётчилар – мутлақ адолат Тангри таолонинг ҳузурда, деб ҳисоблайдилар. Балки адолат мезони аввалло қалбда, виждон, иймонда бўлмоғи муҳимдир...

Адолат мезонлари кўпинча куйидаги ҳолларда эътизол топади: таъмагириклик; ортиқча каттик кўлик ё ортиқ даражадаги юмшоқ кўнгиллик; укувсизлик; кўрқоклик; шахсий адоват ва хиёнат.

Адолатсизликка учраганлар кўпинча айбни бошқалардан кўрадилар. Бу адолатсизликкелиб чиқишига ўзлари томонидан йўл кўйилган сабабларни илғамайдилар, илғасалар-да, уни номуҳим санайдилар.

Адолатсиз одамнинг адолат ҳақида гапириши худди ҳаммом кўрмаган одамнинг озодалик ҳақида бонг уришига ўхшаб кетса-да, уни ҳам эшитган маъкул. Ҳар ҳолда супургини нимага ишлатиш кераклигини билиб оласиз.

Адолатсизлик замирида Тангри таолонинг синови борлигини ҳам унутмаслик лозим. Ҳолбуки, адолат синовларга дош бериш ҳам демак...

## **СИНОВЛАР**

*Сизларни (Мусо қавмини) оғир азоблар билан қийнаган, ўғилларингизни қатл этиб, хотинларингизни тирик қолдираётган Фиръавн навкарларидан қутқарганимизни ҳам эслангиз. Бунда Роббингиздан улкан синов бордир (“Бақара”, 49).*

Агар киши бошига тушаётган синовларнинг ортида гуноҳларига каффорат ва Роббисининг синови ётганига аниқ ишонса, у сабрда қатъийроқ, яшашга журъатлироқ, севиш ва севилиш учун қобилроқ бўлади.

## **НЕГА БИЗНИ СЕВАДИЛАР?**

Кўпинча биз ўзимиз яхши бўлганимиз учун бизни севадилар, деб ўйлаймиз. Бироқ улар биздан кўра яхшироқ бўлганлари учун бизни севишларини англамаймиз.

Биргина сўз сенинг қарорингни, биргина туйғу ҳаётингни, биттагина одам сени умуман ўзгартириши мумкин, шуни ҳеч ўйлаб кўрганмисан?!

Устоз деди: “Башарти ким учундир яшашинг лозим бўлган одам йўқ экан, у ҳолда ҳеч бўлмаса, ўзинг учун яша. Аммо ўзгалар учун яшашнинг ўзи инсоннинг ўзи учун яшамоғи демакдир, буни асло унутма!”

\* \* \*

“Ҳозиргина ғамли ноланг билан одамлар кўзларини ёшлаб эдинг, шунча ташвишинг бўла туриб, қандай қилиб, шўх ялла қилмоқдасан?” – деб сўрашди найдан. Шунда най дебди: “Мен бир ичи ғовак, усти илма-тешик қуриган камиш бўлсам, ғамим ҳам шодлигим ҳам аслида одамларники. Уларнинг андуҳидан маҳзун, бахтларидан масрур ҳолда куй таратаман”.

\* \* \*

Токчадаги яп-янги ялтироқ этик пойгакда мунғайиб турган ковушга қараб, бир энсасини қотирибди-да: “Алвир-шалвиринг чиқиб кетибди-ку, оғайни” – дебди. Ковуш камтарона унга қараб, ним жилмайибди-ю, индамабди. Ахир у пойгакда неча йиллардан бери одамлар хизматида, бу вақт орилиғида эса, мана бу каби неча-неча ялтир-юлтур этиклар токчага келиб кетмади.

Улуғлар барчани севадилар, чунки улар жой танламайдилар, кибрланмайдилар, улуғларни севиш викор бахш этади...

### **ВИКОР...**

Илм толибининг иқроридан: “Ўзим кутмаган ҳолда, кучли рақибимни осон енгдим. Бу эса Ғалабадан қувониш ўрнига, кўнгилни ғашлади. Гўё, мен бир ёш бола каби хархаша қилдим-у, у эса менга: “Мана шу сенга керакми, олақол!” – дегандек бўлди. У бу сўзни айтмади, бироқ нимагадир унинг ўрнида бўлиб қолгим келди. “Менга ҳам керак эмас!” – дея олмадим. Чунки ўша нарса менга керак эди... Унинг юзида шу вақт бир виқор, олижаноблик, кенглик акс этиб тургани учунмикин, ютуғимдан кўнглим қувонмади. Чунки унда кўрган нарсаларим менда йўқ эди ўша вақт.

Баъзан муаммолар осон ҳал бўлади. Баъзан жон-жаҳдимиз билан ким биландир моддий бойликларни талашамиз. Ниҳоят, рақибимиз ўша нарсадан воз кечади. Муродимиз ҳосил бўлганда эса, мақсадига эришолмаган рақибимиз келбатида виқорни кўраимиз. Бу мағлублик эмас, айти голиблиқдир. Чунки бу одам учун пул, моддий бойликлар арзимас нарса.

### **ПУЛ НИМА?**

Пул “кўлнинг кири”. Кўл тез қирлангани каби тез тоза бўлади.

“Пул бўлса, чангалда шўрва” (халқ мақоли). Шўрванинг чангалда туриши учун пулнинг зарурати қанчалиг-у, унинг чангалда туриши қанчалар зарурий?! Баъзан “Пулим бўлса, ундок қилардим, пулим бўлса, бундок қилардим”, дегувчиларни эшитамиз. Ўша ундок ва бундок қилмай яшаш ҳам мумкин экани ҳақида ўйлаш керакмикин!?

Тадбиркор деди: “Вақт – пул демақдир”. Тортишиш шарт эмас. Лекин, бу ерда вақт пул билан ўлчанмоқдами ё пул вақт биланми, шунни билишни истардим...

\* \* \*

Пул – керак. Аммо қанча?

Улфатларнинг одатий гурунги. Бир-бирдан молиявий жиҳатдан кескин ўзиб кетмаган бу дўстларнинг барчаси бақадри ҳол турмуш деган юкни елкасида кўтариб юрибди. Абусоил кутилмаган савол берди: “Қани ҳар бирингиз ўйлаб кўриб жавоб беринг. Сизга қанча пул зарур?” Ҳамма ҳазил аралаш турли даражадаги миқдорларни айтди. Эллик минг, юз минг, икки юз минг, беш юз минг, бир миллион...

-Энди иккинчи савол: “Шу пулингиз бўлса, нима қилар эдингиз?”

Ҳамма ўз орзуларини айтар. Аммо, барчасидан қандайдир даражадаги анча - мунча пул орғиб қолар эди ёки асоссиз жавоблар чиқарди. Ҳатто баъзилар “қора кунга олиб кўярдим” – деб ҳам кўяди. Бу дегани қора кунлар келсин деб кутишми, балки пул бўлмаса қора кун ҳам бўлмас, валлоху аълам.

\*\*\*

Йўловчининг сўзи: “Пул – шайтоннинг паспорти. Пул аралашган жойга шайтон ковушсиз киради. Пул қанча катта бўлса, шайтонийлик шу қадар ҳам авжга минади”.

Пул, бойлик кўз олдимизда қанчалар жилва қилмасин, у саҳродаги саробдан бошқа нарса эмас. Агар пул, бойлик бахтнинг асосий омили бўлганидами, барча бадавлат одамлар бахтиёр бўлар эдилар.

Пул – Худонинг ердаги тамғалари. Худодан қанчалар кўп такво қилинса, пулга шайтоннинг сурати тушмайди.

Ҳаётда пулнинг ўз ўрни бор, аммо ҳаргиз пул ҳаётнинг ўрни эмас. (Яъни ҳаётда яшалади, пулда эмас) Зеро, ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор.

### **ҲАР НАРСАНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР**

Қарғанинг бургут каби овга иктидори бўлмаса-да аммо санитарлик борасидаги улуши бургутникидан кам эмас.

Катга одамларнинг қўлидан келмайдиган ишлар баъзан кичиклар томонидан осон бажарилади.

\* \* \*

- Дуторнинг овози мен туфайли жаранглидир, - деб таранг тортилди биринчи тор. Иккинчи тор вазминлик билан: - Ҳа, сен шу қадар жаранглисанки, мен тепангда туриб, биров бу жарангингни тўсмасам, эшитгувчиларнинг қулоғи шанғиллаб, дутор чертмай кўядилар, - дея вазмин дўриллади.

Ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор. Нарсалар ўз ўрнида турсагина моҳиятини йўқотмайди. Шундай экан, ҳар ким ўз ўрнини билиши, аниқроқ айтилганда, ўзлигини англамоғи муҳим...

### **ЎЗИНГ БЎЛИБ ҚОЛ!**

САВОЛ: “На бўлганим каби кўрина оламан, на кўринганим каби бўла оламан. Яшаётган бу вужуд ичида неча хил одам борлигига баъзан ўзим ҳам хайрон бўлиб қоламан”.

ЖАВОБ: «Ўзинглигингча қол. Бошқа роллар аллақачон банд» (Оскар Уайлд).

Донишманд айтади: Агар ўз-ўзингни билмасангиз, тушунмасангиз ва қабул этолмасангиз, у ҳолда, сиз ўзлигингизда қола билмайсиз. Башарти, сиз шундай қила олмас экансиз, Ана шу Одам ҳам қила олмайди, яъни – Сиз.

Энг мафтункор кишилар, ҳақиқий инсонлардир, улар ҳаётданютадиларми, ютқазадиларми – яшаётганлари учун мамнунлар. Улар бошқаларнинг родини ижро этмаганликлари учун ҳам мафтункордирлар. Айни шу ҳол ҳаётгий маслакдош танлашдаги асосий мезон ҳамдир. Маслакдош, йўлдош эмас. Тенг ҳуқуқли, эркин, факат ўзи бўлиб яшай оладиган маслакдош. Ҳаётда инсон ўзи бўлиб яшаши қийин туюлиши мумкин. Аммо бора-бора унинг бу ҳолига атрофдагилар кўникиб кетадилар.

## ҲАР НАТИЖАДА БИР ЙЎҚОТИШ БОР

Шогирд устози олдига эзгин кайфиятда келиб, деди: “Назаримда мен ҳаётда фақат йўқотмоқдаман. Масалан, илм йўлига кирганимда ёш эдим, ҳозир эса ёшлигим ортда қолмоқда. Вақтни ҳам бой бериб, бирон нарсага эга бўлмаслик алам қилар экан”. Устоз табассум билан жавоб берди: “Бирон нарса тугаб қолгани (йўқотганинг) учун ўқинма, ўша нарса бўлиб ўтганидан қувон! Биз доим қозондаги таомни мактаймиз-у, аммо, ўтиннинг қулга айлангани билан ишимиз бўлмайди”.

\* \* \*

Дарахт болтага қараб: “Ошна, бу дастанг ўзимиздан экан, бизни чопма, ахир асосимиз бир-ку”. Болта: “Эй, қари эзма, сен ўзингни менга тенглаштира кўрма, мен аслзодаман”, - дея устидаги ялтир-юлтур бўёги ва бошидаги “темир тожи”га ишора қилибди.

Қари эман кесилгач, бехосдан болта унинг барглари орасида қолиб кетибди. Қиши билан чириндилар ва баҳордаги қуртлар уни кемириб, илма тешиқ қилиб юборибди. Ўтинчи ёзда занглаган болтани топиб олиб, хурсанд уйига қилибди. “Темир тож”ни қайта тоблаб, чархлаб, янги сопга илибди-ю эскисини тандирга тикибди. Тожу тахт – бевафо, дунё – бебақо.

Кўпчиликнинг тождорларга ҳаваси келади. Аммо тождор бўлишдан кўра, тожни кийгазувчи бўлиш яхшироқ. Бироқ том маънодаги ҳақиқий тож кийиш Яратган қалами билан битилган тақдирдир.

\* \* \*

–Эй қалам, бетимга сиёҳ суртишдан аввал қалбинга назар сол, унинг мақсади не?

–Қалбим дардимнинг рангидандир – бошдан оёқ сиёҳдир.

Қалам қоғозга суркалгани сайин, қоғознинг ноласи ортар, қаламнинг дарди унга кўчиб, аввалги оҳори ва шалди роғи пасайиб борар ва ниҳоят, жимиб қолар эди. Бора-бора у фақат икки қарра, яъни очилган ва ёпилган вақтда овоз таратар бу икки овоз оралиғида дарду ҳасратини баён қилиб берарди.

\* \* \*

Йўқотгандагина қадрига ета бошлаймиз, кечиккандагина шошиламиз, севмасдан турибгина айрилиш осон, ўлим билан юзма-юз келгандагина яшашни ўрганамиз. Аммо яшашни ўрганар эканмиз, кимга ишонмоқ лозим?

## КИМГА ИШОНГАН АФЗАЛ?

Баъзилар ўзлари билган одамдан кўра, танимаганларига ишонишни афзал кўрадилар. Сабаби ниманидир йўқотса, камроқ нарсани йўқотади. Яқин одамига ишонса-ю ва у хиёнат қилса, у ҳолда йўқотган нарсасидан ташқари ўз яқинини ҳам йўқотади.

Эски танишлар ишончли бўлади. Эски танишларга алданиб қолиш ҳам осон.

Оҳ, умид, қанчалар гўзалсан!

Наҳотки ўлимдан ўзарсан?!

Ё умид, сен қачон тўзарсан?

Умиддан умидим ўзарсан...

Умид борасидаги сўзлар нақадар тотли бўлмасин, ҳамиша ярим шубҳа, ишончсизлик ва тараддуд (иккинланиш) одамларни ундан бездиргандек, гўё.

### **ЎРИНСИЗ ТАРАДДУД**

Йўқотиш ўлимми? Агар йўқотиш ўлим бўлса, ўлимнинг ўзи нима? Ўлимни Яратган билан учрашув эшиги деб билганлар учун ўлим шодликдир. Шу вазҳдан одамнинг ўлганига эмас, туғилганига йиглаган тўғрироқдир.

Гул тиканга тушиб, янада яхшироқ ҳид таратар экан. Азоб бўлмаса, Яратганга илтижо сўнар. Муаммо бўлмаса, банда охиратни унтар. Биз эса, бошимизга тушаётган ташвишлардан хафа бўламиз. Аслида, бу шодликдир. Яратган синаши ва имтиҳон қилажани ваъда қилди. Биз иймон келтиргандаёқ буни англаган эдик. Энди ташвишларга рўбарў келганда, нечун тараддулланиб қолмоқдамиз?! Бу гуноҳлар эшигини очмайдимиз?

### **НЕГА ЯНА ГУНОҲ?...**

-Инсон нима учун гуноҳнинг оқибатини била туриб, гуноҳ қилади?

-Яратганнинг марҳаматидан умид қилиб, бўлса керак-да.

-Яратган шу қадар марҳаматлими?

-Ҳа, У шу қадар марҳаматлики, инсон ўзи кечиролмайдиган гуноҳларни ҳамкечиради. Валлоҳи аълам.

Қилмишидан барча нафратланган бир кишининг қўлига қалам берилди. У ёзди: “Мен ҳамон бир нарса – ҳайвонга айланиб қолмаганимдан ҳайронман. Кимдандир нафратланиш лозим бўлса, энг аввал ўзимдан нафратланаман. Чунки, мен қилган ишни ҳеч ким қилмаган. Балки кимдир қилгандир, кимдир бундан-да бадтарини қилгандир, аммо меники ўзим учун ҳам нафратланарли. Мен бир одамга у орқали эса, бошқаларга зулм қилдим. Ҳийла ва найранг билан унинг борини кўкка совурдим. Унинг шаъни букилди, субути йўқолди, ғурури топталди.

“Битта шохга ҳадеб осилаверсанг у қачондир албатта синади” – деган гапни ўз тажрибамда кўрдим. Мен ҳам одамманми, деган савол доим бошимдан ўтади...

“Қилган яхши ишидан қувониб, ёмон ишидан афсусланиш мўминнинг сифатларидандир” (ҳадис).

Сурункали ёвузликларнинг ҳар биридан сўнг афсус чекиш ҳам мўминнинг сифатими?! Шаққокликка бормаи кўя қолайлик. Зеро, иймон Кимга келтирилган бўлса, Аллоҳнинг Ўзи уни (иймону амални) ҳисоб қилади. Золиму мазлум факат Унинг Ўлчови билан аниқланади.



## МАЗЛУМ

Мазлум золимни қарғамас, худога солмас эди. Қанчалар нафрат билан боқмасин, ёмонлик тиламас, яхшилик истаб, дуо қиларди. Алданса ҳам, ишонар, ёвузликлар кўрса ҳам, умид қилар, шаъни топталса ҳам руҳи тетик эди.

У қалбидаги нафрат олови воситасида меҳр куёшини аланга олдира билганди.

## БОТИНИЙ ОЛОВ...

Шогирд замонадан нолиб, Устозидан сўради: “Нега одамлар бу қадар ёвуз!? Буларни нима қилиш керак ахир? Ҳаммасини қириб ташлаш лозиммикин-а!?”

Устоз деди: Ичкаридаги оловни ўчирмасдан ташқаридагини ўчиролмайсан.

\* \* \*

Кимнидир ё қандайдир жамоат ёки жамиятни ислоҳ қилиш лозим бўлар экан, киши ислоҳни аввал ўзидан бошлаши лозим. Одамларга бўлган нафрат оловини сўндирмай туриб, улардан меҳр-шафқат кутиш боғни экиб, уни суғормасдан мева талаб қилишдек гап.

\* \* \*

- Нима яхши нарсанг бўлса, уни одамларга бер.

- Биздаги энг яхши нарса меҳру муҳаббатимиздир. Биз шуни бердик. Аммо айримлар бундан қаноатланмадилар. Чунки улар фақат қўл билан ушлаб кўрадиган нарсаларнигина кадрлашга ўрганиб қолганлар. Бирок меҳрсиз, муҳаббатсиз яшаб бўлармикин. Одам ширин таомлар емаса ҳам, ширин сўзларни эшитишни истайди. Киши ҳашаматли саройларда, мухташам боғу роғларда яшамаса-да, меҳру муҳаббатга тўла қалблар оғушида бўлишни хоҳлайди. Наҳот меҳрға етиш шу қадар қийин ёки меҳрнинг қадрини англаш маҳол бўлса?!

Севгини қўл билан ушлаб кўриб бўлмайди. Ҳар бир нарсани кўришга интилиш эса ҳар бир нарса фақат менга оид ва фақат меники деган фикрни кучайтиради. Меники дейиш худбинлик, манманликдир. Манманлик эса фақат ва фақат Аллоҳга хосдир. Бизга берилган нарсаларнинг барчаси вақтинча. Наинки, вақтинча, балки уларнинг ҳаммаси Аллоҳникидир. Токи шу ақидани қалбимизга сингдирмас эканмиз, унда йўқотганларимиздан ўқиниб яшашга маҳкуммиз, ҳатто топганларимизга қувониб, уни яна йўқотиб қўйишдан ташвишга тушаётган бўлсак, бу ҳам хотиржам яшаш эмас!

## ХОТИРЖАМЛИК НИМАДА?

Айбдор валинеъматни ҳузурига боришдан аввалроқ унинг нақадар аччиқ сўзлар билан айбашлари ва сўкишларини, ҳатто муболага ичида йўқ гуноҳларга мубтало этишини кўз олдиға келтирган эди. Шундай ҳам бўлди.

У эса, индамади. Гапирса бўларди. Ҳакки ҳам бор эди. Йўқ, жим, муте ҳолда кулок солди. Айбига икрор бўлиб, валинеъматини ҳузуридан чикди. “Тўғри килдинг”, - деди, калби. “Йўқ, нотўғри. Унинг гапларини инкор қилиш керак эди”, - деди ақли. Аммо у юрагини ҳам ақлини ҳам бағрига босганча хотиржам жилмайиб йўлида давом этди.

Йўл унчалик узоқ эмас. Аммо одамларга кўп узун туюлади. Бор-йўғи ўлимгача боради бу йўл... Ўлимдан сўнг йўл иккига айрилар, йўл узра минилган маркаб, бундан буёғига ўзи йўл бошлар. Вақт ҳам у қадар узоқ эмас...

### **ЁМҒИРГАЧА ҚОЛГАН ҒУБОР...**

Турли-туман йўллардан ўтдим,  
Ғадир-будур, текис, нотекис.  
Гоҳи елдим, гоҳ лойга ботдим,  
Омад – ориқ, ғам-ташвиш – семиз.

Дунё гўзал экан, аммо бешафқат,  
Мужмал бир мавҳумлик қамрайди баъзан.  
Бахтдан олиб бўлмас асло қафолат,  
Оқни кўриб дейсан: “Оқмикан?”

Уйқусиз тунларнинг ўтида ёндим  
Армон денгизига ғарқ бўлди орзу.  
Изтироб булоғин таъмига қондим,  
Охир таслим бўлдим, ахир ҳаёт – бу!

Мен ва етти миллиард оламда яшар,  
Барчамиз фарзанди Одам Атонинг.  
Ютган ҳам, ютқизган аслида башар,  
Ўғлига бой бердим Момо Ҳавонинг.

Акам ёки укам меникин олса,  
Нечун ташвиш бўлсин, шодлик эрур бу.  
Нимадир агарда менда ҳам қолса,  
Ёмғиргача қолган ғубор эрур, шу.

### **ЭЗГУЛИК...**

Бир куни Эзгулик ва Ёвузлик ўзаро узоқ жанглардан толикиб, тин олибдилар. Урушни тўхтатиб, сулҳ тузибдилар. – Ана бўлар экан-ку, - дебди Эзгулик – сен ҳам эзгулик, яъни мен томонга ўтдинг. Ўзаро сулҳ туздик. Сулҳ бу эзгулик демақдир.

Бу шикканин сўзлари қаттиқ ботибди. Гўёки, у тарафда умуман ҳаётда йўқ. Қилган ишидан афсусланиб, шу заҳотиёқ яна кўлига қурол олибди.

Хулоса: Баъзан ўринсиз айтилган эзгу сўзлар ҳам ёвузлик қулфига калит бўлиши мумкин.

### **МЎЪЖИЗА!**

Мўъжиза рўй бериши мумкин. Ҳаёт мўъжизаларга тўла...

Ҳамма мўъжиза кутиб яшайди. Кимдир гул тувагининг олтинга айланиб қолишини, яна ким бир кути пул топиб олишни, аллаким шифосиз дардидан фориг бўлишни ёки йўқотганларини топишни кутиб яшайди. Аммо улар кутган мўъжиза содир бўлмайди. Бу воқеликларнинг юз беришини мўъжиза деб аталиши аслида шарт ҳам эмас. Чунки, ҳаётда биз одатий кўриб турган нарсаларимизнинг ҳар бири улар кутаётган мўъжизаларидан сонсиз даража ортиқ мўъжизадир. Ер узра кўёшнинг нур сочиши, кеча ва кундузнинг алмашиб туриши, арзимас бир сувдан инсон номли оқил бир мавжудот дунёга келиши – булар ҳақиқий ҳайратга молик мўъжизалар эмасми!?

Юз минглаб калитни ўзда яширдим,

Тонгда яна уни оламга сочдим.

Ишонтирдим ўзни ўлган деб дилни,

Лек ушлай олмадим тиш аро тилни.

“Мўъжиза гуноҳкор таннинг соппа-соғ ҳаракатланиб юриши”, деган экан, иймони комиллардан бири. Чунки, Аллоҳ осий бандасининг-да оқибатини хайрли бўлишини истайди. Бироқ киши ўрганган одатларини тарк эта олмайди...

### **ОДАТЛАР**

Айни бир нарса икки маротаба содир бўлдими, демак у учинчи, бора ҳам юз беради. Яъни одатга айланади.

Одатлар одатда икки турли: фазилат ва иллат. Иллатларга одатланиб қолмаслик учун фазилатларни одат қилиш муҳим.

Бугун айрим давраларда сўкиниб сўзлашиш одатга айланиб қолди. Буни қарангки, наинки, ана шу нотавонликнинг ўзи, балки унга эътибор қилмаслик ҳам одатга кирди. Агар давра аҳлининг китобга (адабиёт, санъат, мусиқа) муҳаббат деган фазилатлари бўлганидами, бу иллат улар учун одатга айланмас эди, балки.

Яхши нарсаларга одатланиш, ёмонликларга ружу қўйишдан асрайди. Яхши одатларга одатланиш учун қаноат ва сабр энг яхши воситадир.

### **ЯНА САБР ҲАҚИДА**

Сабр қилмасанг ҳам, сабр қилишга мажбурсан. Чунки, бундан бошқа чоранинг ўзи йўқ. Чоранг чорасизлик экан, начора.

Йўққа сабр қилмоқдан кўра, борнинг кадрига етмоқ кийинроқ. Балки шунинг учун ҳам, Аллоҳ бандаларининг аксариятини давлат бермай синаса, камроғини бериб синайди.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда жаҳондаги барча бойликларнинг тахминан 90 фоизи дунё аҳолисининг 0,1 фоизи қўлида. Бундан чиқдики, ҳар миллиондан бир киши оғирроқ синовда.

Демак, Худо ризкимизда тангликни раво кўрса ҳам, бизнинг фойдамизга. Шу сабаб афсус чекиш ноўрин. Валлоху аълам.

## **ЎРИНСИЗ ТААССУФ**

Бир бола онасини узоқ кутди, онам ҳозир менга нон олиб келади, деб ўйларди. Чунки онаси нон олиб келишга ваъда берганди. Аммо онаси куруқ кўл билан қайтди. Бола қаттиқ қайғурди. Бунинг сабаби бор эди, она маош олмаганди. Бола бир кун келиб буни тушунди...

Биз кўпинча, воқеликнинг сабабини англамаган ҳолда, айрим ҳолларда, болаларча, атрофдагиларимздан ранжиймиз, улар дилини оғритиб кўямиз. Вақти келиб эса, ўринсиз ўпқаланганимиздан ҳижолат чекамиз ва буни осонгина телбалик, деб кўя қоламиз. Телбаликнинг ҳам жозибалиси бу.

## **ЖОЗИБАЛИ ТЕЛБАЛИК**

Эга бўлолмаган нарсанг ҳамиша эга бўлганларингдан кўра яхшироқ туюлади. Инсон ҳаётининг жозибалигию телбалиги ҳам ана шунда.

Ривоят: Афанди ҳар куни ўз юмуши билан банд. Бировдан кўпроқ, бировдан камроқ, ўртамиёна ҳаёт кечирар эди. Баъзан оғирроқ юки бўлса, ҳаммол ёки арава ёлларди. Бир куни, “Эшак сотиб олишим керак”, деб ўйлаб қолди. Ҳамма маш-маша эшак сотиб олган кундан бошланди.

Эшакни сотиб олгач, унга тўқим, жабдуқ ваҳоказо жиҳозлари учун анча маблағи кетди. Эшак учун алоҳида оғил қуриш учун яна маблағ сарфлади. Эшакни боқиш учун ҳафтада бир, ем-ҳашак келтириш учун махсус кўчага чиқар ва яна маблағ сарфлар эди. Эшак бўлгандан кейин арава бўлмаса, қандай бўлади? Арава ҳам сотиб олди. Араванинг ўзига хос ташвишлари – бир ўки синади, бир ғилдираги қийшаяди, қўйингчи, илгари бир ташвишда бўлса, энди минг ташвишли бўлди.

*“Ўзингда йўқ нарсалар сенга бахт келтиради, деб хулоса қилишдан аввал, ўша нарсаларга эга бўлганлар бахтлимилар, деб ҳам ўйлаб кўр”.*

Телбалигимиз шу қадарки, кечагина орзулаб эришган нарсамизга бу кунда беъэтибор қараймиз. Худди севги ва кўрқув каби.

## **СЕВИШ ВА ҚЎРҚИШ**

Шогирд сўради: “Худодан кўрк”, деб ўргатишарди. Шу туфайли одамлар худодан худди даҳшатли ёвуз махлукдан кўркқандек кўрқардилар. “Худони сев”, деб ўргатишди. Одамлар худони сева бошладилар. Аммо ҳадларга эътибор қилмадилар. Бора-бора тажовузкорликни касб қилганлар

ҳам худони севишларини уктирадиган бўлиб қолдилар. Ҳамон тортишувли ҳолат худони севиш керакми ёки ундан кўркиш? Қўрққанларда севги ва ҳурматдан кўра, мажбурият юки кучлироқ, севганларда мажбурият юки камайиб, масъулиятсизлик, ҳатто тажовуз зоҳир”.

Устоз жавоб берди: “Мана сенга учта арпа уруги, уларнинг ҳар бирини тувакларга эк. Бирини қоронғу ерда сақла, иккинчисини қуёшнинг тигида қолдиргин-у, суғорма, учинчисини қуёш тушадиган ерга қўйиб, суғориб тур. Орадан бир ой ўтиб уларни менга келтир”. Маълум вақт ўтгач, шогирд тувакларни олиб келди. Устоз қоронғу ерда оппоқ ва нозик бўлиб унгану нимжонлигидан ҳалокат остонасида турган арпани кўрсатиб: “Бу севмай туриб кўркишдир”, – деди. Суғорилмай бошини тўрт энлик кўтаргану қовжираган арпага ишора қилиб: “Бу севиб туриб кўркмаслиқдир”, – деди. Учинчи тувақда гуркираб ўсиб, бошоқ туккан арпани кўрсатиб: “Худо бизга чексиз меҳрибонлиги учун уни севамиз, ёвузликларга жазо белгилагани учун, унинг азобидан кўркиб, нафсимизни тиямиз”, – деди.

Худони ҳақиқий севган одам ёвузлик қила олмайди ва эзгулик йўлида итоат қилади.

### **ИТОАТ ВА МУТЕЪЛИК**

Юзаки қараганда ўзгаларни бошқариш бошқаларга итоат этишдан кўра, енгил ва завқли кўринади. Аммо итоат этувчи фақат бир раҳбарга мутеъдир, бошқарувчи эса, кўпга бош. Итоаткор фақат ўз бошқарувчисига бўйсунди. Қоид (бошқарувчи) эса, ўз тасарруфидаги барча билан муносабатда бўлиши, уларни адолат билан бошқариши лозим.

Агар жамиятда қонунлар бўлса ва уларга барча бирдек амал қилса, бошқариш ҳам итоат этиш ҳам осон кечади. Лекин масъулият итоаткордақоидга нисбатан анча кам. Қоид баъзан меҳр, баъзан қаҳр кўрсатади. Бу худди ниҳол ривож учун сув ва қуёш янглиг зарурийдир.

Одамларнинг табиати қизик, ё меҳр ва ё қаҳр остида итоат қиладилар.

### **БЕШ ҲИКМАТ**

-Бошланиши озгина иссиқ ёз, кейин эса бир умр қаҳратон қиш бўлганидан кўра, бир оз салқинроқ ҳаётда яшашга ўрганган афзалроқ.

-Сен билан бирга бўлиш учун ҳаракат қилмаган одамга вақтингни сарфлама!

-Сенга зарар келтирувчи одамлар ҳамиша топилади, шундай бўлса ҳам, одамларга ишончингни йўқотма, бор-йўги янада эҳтиёткорроқ бўл.

-Қанча машаққат чексанг ҳам, барча энг яхши нарсалар қутилмаганда рўй беради.

-Табассум қилишдан асло тўхтама, ҳатто қайгуга кўмилсанг ҳам. Кимгадир сенинг табассуминг ҳаёт бағишлаши мумкин (ҳеч бўлмаса, ўзинга).

## САФАР

Бир одам узок сафарга чиқадиган бўлибди. Донишманднинг олдига бориб: “Сафарга қандай тайёргарлик кўрай”, дебмаслаҳат сўрабди. Донишманд, энг зарур ва муҳим нарсалар рўйхатини айтиб турибди. У ёзиб борибди. “Вой бўй, бунча кўп бўлмаса”, дебди – донишманд бир оз тин олганида, ҳалиги одам. “Бу ҳали ярмиси”, - дебди донишманд. “Ие, қолганини нега айтмадингиз бўлмасам?”, - деб сўраганида, донишманд унга жавобан: “Ярмиси сенга кўплик қилди қолганини айтганимдан нима фойда?!” – деган экан...

Қолган ярмиси аслида шу сафарга чиқишнинг маънавий масъулияти эди. Йўловчи масъулиятни ҳис қилмай йўлга тушиб кетди. Масъулиятсизлик кишини ҳалок қилади. Масъулият оиладан бошланади.

## ОИЛА

Оилани муқаддас билмаганлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Донишмандларнинг бу фикрдан ўтказиб бирон нарса айтиш қийин. Балки шу сабабдан халқ орасида “Илон кўчада эгри юрса ҳам, инига тўғри киради”, деган мақол пайдо бўлгандир. Зеро, ҳар қандай характер энг аввало оилада шаклланади.

*Бир аёл психолог олдига келиб сўрабди: “Профессор, бизга ёрдам бера оласизми?”*

*-Нима гап?*

*-Биз эрим билан деярли ҳар соатда урушамиз, буни тuzатса бўладими?*

*-Албатта бўлади.*

*-Жуда ажойиб, қандай қилиб?*

*-Ажрალიшиб. Агар ажрალიшсангиз умуман жанжаллашмайсизлар.*

Бу – халқ орасида айтиб юриладиган ҳазил. Лекин мулоҳаза шундаки, ҳар қандай яхши нарса ичида ёмони, ёмони аро яхшиси бўлиши мумкин. Шу сабаб оила у қандай бўлмасин бошқа нарсалардан устун қадриятдир. Ҳолбуки, Ватан ҳам оиладан бошланади. Оилани севмаган Ватанини севмас. Ватан севмаганининг иймонида шубҳа бор. Лекин севги бу қалб гавҳари бўлиб зоҳирда аниқ намоён бўлиши қийин, яъни:

## БОТИН ҲАМИША ҲАМ ЗОҲИРДА ЗУҲУР БЎЛМАС

Жисмга илинган ҳар қандай либос

Ташвишу аламдан этолмас холос...

Агар ташки кўриниш ботинни тўлик ифодалай олганида, одамларни англаш анча осон кечар эди.

Фарзанд: Мен бу кийим билан у ерга бора олмайман!

Она: Кийиминга нима қилибди? Болам, топ-тоза, дазмол урилган бўлса...

Фарзанд: Тушунмайсиз, ойижон, ахир ҳозир замон бошқача, одамлар ташки кўринишингизга қараб баҳо беради...

Она: ...

Балки фарзанд ҳақдир. Аммо, ташки кўринишга қарабгина дўстлашган дўстларни дўст деб бўлармикин?!

Хурсанд бўлганингда хурсанд бўладиган, кайғурганингда ғам-андухга ботадиган дўстинг ҳақиқий дўстингдир. Аммо либосингга қараб муомала қилаётган ўша дўстинг қалбини кўра оласанми?!

Қалбларни ҳеч қандай тўсиқсиз кўра олувчи Аллоҳнинг Ўзидир. Шундай экан, ортиқча сўздан сукут афзалдир.

## СУКУТ

Халкимизда “Сўздаганим – кумуш бўлса, жим турганим – олтин” – деган пурмаъно ҳикмат бор.

Сукут – дейилади мўътабар манбаларнинг бирида – бузилмас калкон, сирли виқор ва адашишдан асровчи восита.

Ривоят қилишларича бир мамлакат подшоҳининг яккаю-ягона меъросхўр ўғли бўлган экан. Болага ўз замонасининг ҳар соҳадан билимдонлари бекаму-қўст сабоқ берибдилар. У ҳамма билимларни мукамал ўзлаштиргач, олимлар олими устоз ўғилни отага тақдим этар экан шундай дебди:

-Шоҳим, шаҳзодамиз барча илм ва ҳунарларни мукамал ўзлаштирди унинг бу борадаги билими ва ютуқлари олдида кекса тажрибали устозлар ҳам бош эгадилар. Бироқ бир муаммо бор. Фарзандингиз бутунлай сўзламай ўз фикрини оддий қараш ва ишоралар билан ифодалай оладиган бўлиб қолди, минг афсус. Балки бир кун келиб шаҳзодамиз тили яна қайтар, деган умидимиз бор.

Подшоҳ қувонтирувчи сўзлар давомидан келган бу армонли хабарги кийдирилган умид либосини сабр ила қарши олди.

Ойлар ўтиб, подшоҳ шаҳзода ва аъёнларини олиб овга чиқади. Ов чоғи шаҳзода тинч дарахтзор орасида ёлғиз кезар экан, шундоқ тепасида бир қушнинг чиройли куй таратганидан маҳлиё бўлиб туриб қолибди. Ногаҳон, бир овчи қушни уриб қоқ шаҳзода оти оёқлари устига туширибди. Шунда шаҳзода отдан тушиб, жон таслим қилаётган қушни қўлига олар экан дебди: Эҳ, қушча бу қадар чиройли сайрамаганингда овчининг нигоҳига тушмас ва ажал тийғига гирифтор бўлмасдинг, дебди. Иттифоқо, шаҳзода лабидан янграган бу сўзни қулоқлари билан тинглаган аёнлардан бири, ўз ҳожасидан суюнчи олгани от чоптирибди. Қувончли хабарни эшитган подшоҳ шикорни қўйиб, саройга қайтишга амр берибди. Саройда катта базм уюштирилибди. Базм қизиган чоғда эса, подшоҳ фарзандига қараб:

-Ўғлим, бу овозингиз қайтганини эшитиб кўп шодликка тўлдик. Шунча вақт бошимиз узра кезган андуҳ ва армон булутлари тарқаб, хуршида тобон

юз кўрсатгани, умид боғимизнинг ноёб гули очилганидан сармастмиз. Қани бизларни ўз сўзларингиз билан сарафроз қилинг – дебди.

Шаҳзода оғиз омабди. Подшоҳ яна сўрабди. Яна жим. Ниҳоят подшоҳ сабри чидамай шаҳзода юзига бир тарсаки туширибди. Шаҳзода бир калқиб, ловуллаб турган иягини кафти билан силар экан: Ўрмонда сўзламаганимда, мана шу тарсаки ҳам бўлмасди, деган экан сўнгги лаҳзада.

### **СЎНГГИ ЛАҲЗА – СЎНГГИ МУЛОҲАЗА**

-Шу охириги лаҳзанг бўлса, нима қилар эдинг?

-Тавба!

“Тавба” араб тилида “қайтмайдиган бўлиб қайтиш” деган маънони англатади...

Мулоҳазалар ихтилофли бўлиши мумкин, бироқ, иймон-эътиқод асосидаги ҳулосагинаҳақиқийдир.

\*\*\*

Одамлар биз айтган сўзларни унутишлари мумкин. Одамлар биз қилган ишларни ҳам унутишлари мумкин. Аммо, биз уларга ҳис қилдира олган ва ҳис этишга мажбур қилган нарсаларни асло унутмайдилар.





Сарвар Собит (Абдуллаев)

1970 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институтини шарқшунос-филолог ихтисоси бўйича тамомлаган. 2002 йилда “Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олган. Илмий нашрларда исломшунос-диншунос сифатида илмий, илмий-оммабоп мақолалари билан чиқишлар килиб келадию Газета ва журналларда ижоди намуналари билан қатнашиб туради. Ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида кафедра мудири. Муаллифнинг араб, рус ва инглиз тилидан бадий таржималари “Жаҳон адабиёти” журналида бир неча бор чоп этилган.